

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
ГДУ Илмий ишлар ва
инновациялар бўйича
проректори
П. Абдурахманова
“ 20 ” / 2021 й.

ТУРИЗМ ВА СЕРВИС КАФЕДРАСИ

08.00.05 - “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРМОҚЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИ”
ихтисослиги бўйича таянч докторантурага кириш имтиҳони

ДАСТУРИ

Тошкент – 2021

“ ” Дастур Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 2021 йил
“ ” _____ даги Кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

Дастур Тошкент давлат иқтисодиёт университети Туризм ва сервис
кафедрасининг 2021 йил “30” августдаги “ 1 ”-сонли йиғилишида муҳокама
қилинган ва тасвия этилган.

Кафедра мудири М. Амонбоев



Тузувчилар:

М. Амонбоев - ТДИУ Туризм ва сервис кафедраси мудири, и.ф.н., доцент;
А. Абдувоҳидов -ТДИУ Туризм ва сервис кафедраси профессори, и.ф.д., проф.

Такризчилар:

А. Аққулов - Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси;
А. Норчаев - ТДИУ Туризм ва сервис кафедраси доценти, и.ф.д., доцент.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари “Янги Ўзбекистон орзуси, бугунги кунларимизга нисбатан айтганда, ҳозирга даврнинг тақозоси, унинг асл қиёфасини, ҳаракатлантирувчи кучлари ва омилларини белгилайдиган ғоявий-маънавий асос, халқимизга хос яратувчанлик шижоати ва кенг кўламли ислоҳотларимизнинг яққол ифодасидир”¹ эканлигини яна бир бор таъкидламоқда. Ушбу муаммолар ва ҳаётнинг ўзи олдимизга қўйган мураккаб вазифаларни тезроқ ҳал қилиш, уларнинг ечимини излаб топиш, кўп жиҳатдан инсонларнинг иқтисодиёт сирлари, айниқса, бозор иқтисодиёти муносабатларининг мазмуни, уларнинг талаблари, зиддиятли хусусиятлари, қонун-қоидаларини, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси, мамлакатимизда иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш мақсадида қабул қилинган стратегик дастурлар мазмуни, амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, инсон манфаатини биринчи ўринга қўйиш, иқтисодиётни эркинлаштириш, таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашнинг мақсади ва мазмунини чуқурроқ билишларига боғлиқдир.

XXI аср жаҳон иқтисодиётида туб бурилиш даври бўлиши кутилаётган бир вақтда хизматлар соҳасининг ҳам иқтисодий аҳамияти йилдан-йилга ортиб бориши кузатилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасида туризм фаолиятни тўғри йўналтириш ва бошқариш орқали иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин бўлади. Бу соҳани бошқаришни ташкил этиш учун замон талаби билан ёндашиш зарур. Туризм фаолиятини халқаро стандартлар даражасида ташкил этиш ва бошқариш бугунги куннинг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳам ушбу соҳани жадал ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Хусусан, республикаимизда қабул қилинган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси², Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 2 декабрда қабул қилинган фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантиришнинг биринчи навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 26 августдаги қарори ва бошқалар шундан далолат бермоқда.

¹ Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон Стратегияси. Т.: Ўзбекистон, 2021. – 5-бет.

² Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони.

Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни изчил амалга оширишда, иқтисодиётни эркинлаштириш, модернизация ва диверсификация қилиш шароитида мавжуд туризм ресурсларидан максимал даражада фойдаланиш ва аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш хизмат кўрсатиш соҳасидаги долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

1-мавзу. Туризм менежментининг мазмуни, мақсади ва вазифалари

Туризм менежментининг мазмуни. Туризм менежментининг мақсади. Туризм менежментининг вазифалари.

Менежментда тизимли ёндашув. Бошқарувга ташқи ва ички ўзгаришларнинг таъсири. Ривожланиш стратегияси ва тактикаси.

Туристтик ташкилотларни бошқаришнинг иқтисодий механизми. Туризмнинг бошқарув объекти сифатида ўзига хослиги. Туристтик фирмаларни бошқариш асослари.

2-мавзу. Туризмни бошқаришнинг таркибий тузилиши

Туризмни бошқариш тизими. Сайёҳлик тизими ва ташқи муҳитнинг ўзаро таъсири. Туризм ривожланишида номутаносибликларни бартараф этиш. Туристтик ҳудуднинг рақобатбардошлигини ошириш.

Чизиқли ташкилий структура. Тармоқли ташкилий структура. Туризмни бошқаришнинг таркибий тузилиши.

Фирмани бошқаришнинг кичик гуруҳларга бўлиниши. Туризмни бошқаришдаги илғор технологиялар ва уларни жорий қилиш тартиби.

3-мавзу. Туризм менежментининг самарадорлиги

Туризм менежментнинг самарадорлик тушунчаси. Туризмдаги харажатларни ҳисоблаш усуллари.

Иқтисодий самарадорлик тушунчаси. Туризмнинг иқтисодий самарадорлиги. Тўғри харажатлар. Эгри харажатлар. Бюджет харажатлари.

Фирманинг меҳнат бозоридаги мавқеини баҳолаш. Ходимларнинг меҳнат фаолиятини баҳолаш. Туризмда ижтимоий самарадорлик.

4-мавзу. Туристтик хизматлар бозори

Туризм бозори субъектлари. Туризм ташкилотчилари ва сотувчилари. Туроператорнинг турни ўтказиш усуллари.

Бозор конъюнктурасини ўрганиш. Туристтик бозорда талаб ва таклиф.

Туристтик маҳсулотларнинг улгуржи ва чакана савдоси. Туризмда улгуржи ва чакана савдони амалга оширувчилар.

Бозор сегментлари. Туристтик маҳсулотларни сотиш қоидалари. Турагентнинг турни сотишини амалга ошириш тартиби. Шартнома, йўлланма, ваучер.

5-мавзу. Халқаро муҳит омиллари ва уларнинг туризм тараққиётига таъсири

Маданият ва иқтисодиёт. Туризмда иқтисодий ва маданий тушунчалар. Қонунчилик ва сиёсат.

Туризмда қонунларни давлат томонидан қабул қилиш ва ишлаб чиқиш тартиби. Сиёсий вазиятларнинг туризм ривожланишига таъсири.

Ташқи муҳитнинг туризм ривожланишига таъсири. Демографик омилларнинг туризм ривожланишига таъсири.

6-мавзу. Туризм индустриясига сармоялар жалб этиш

Давлат иқтисодиётини мустаҳкамлашда хорижий сармояларнинг аҳамияти. Туризмга хорижий сармояларни жалб қилиш шакллари.

Хорижий сармоялардан фойдаланишнинг самарали йўллари. Сармоя ҳаракатининг шакллари ва усуллари. Тўғри хорижий сармоялар.

Туризм соҳасида инвестицион сиёсат. Инвесторлар билан ишлаш.

7-мавзу. Туризмнинг ташкилий тузилиши ва асосий категориялари

Ички туризм. Халқаро туризм. Туристларни қабул қилиш. Туристларни жўнатиш.

Миллий туризм. Режали ва ҳаваскор туризм дастури. Гуруҳли режали туризм. Яққа режали туризм. Ижтимоий туризм. Ижтимоий туризм тизими.

Ижтимоий туризм объектлари. Ижтимоий туризм иштирокчилари. Ижтимоий туризм даражаси. Туризмда ижтимоий имтиёзлар. Ижтимоий туризмнинг салбий томонлари.

8-мавзу. Туристтик хизматлар

Туристтик хизматлар тушунчаси. Туристтик хизматлар таркиби. Хизматларни бронлаш. Рухсат берилган ҳужжатларни тўлдириш.

Жўнатиш турлари. Учрашувлар, кузатиш ва трансфер жойлашиши, овқатланиш.

Туристтик хизматларнинг товар сифатида белгиланиши. Туристларнинг

эхтиёжларини қондиришга қаратилган бошқа хизматлар.

9-мавзу. Туристик товарлар ва маҳсулотлар

Туристик товар тушунчаси. Туристик товар бўлимлари. Туристик товарларни тур нархига киритилиши.

Шахсий эҳтиёжи учун маиший товарлар. Шоппинг-турлар. Тўлов олинмайдиган товарлар. Тўлов олинмайдиган савдо магазинлари.

Туристик маҳсулот тушунчаси. Турпакет. Туристик маҳсулотнинг ўзига хослиги. Хизматларни стандартлаштириш ва сертификатлаш.

10-мавзу. Туристик ресурслар ва турларни ишлаб чиқиш

Туристик ресурслар тушунчаси. Табиий-иқлим ресурслари. Ижтимоий-маданий ресурслар. Тарихий-меъморий ва археологик ресурслар.

Илмий ресурслар. Маиший ресурслар. Туристик қизиқиш. Туристик қизиқиш объектлари. Туристик таассурот. Туристик ҳудуд ва акватория.

Туристик йўналишлар тўғрисида тушунча. Турларни ташкил этиш ва сотиш тартиби.

Пекидж тур ва инклюзив тур. Турларни ташкил этишдаги асосий омиллар. Тарихий ва маданий туристик йўналишлар.

11-мавзу. Меҳмонхона хўжалиги ва меҳмонхона хизмати

Меҳмонхона хўжалиги тушунчаси. Туристик меҳмонхона турлари. Туристик меҳмонхоналарнинг гуруҳларга бўлиниши.

Туристик меҳмонхонанинг тузилиши ва тизими. Меҳмонхоналарда асосий ва қўшимча хизмат турлари. Меҳмонхоналарда кадрларнинг жойлашуви ва тақсимланиши.

12-мавзу. Туризмда овқатланиш технологияси ва уларга транспорт хизматини кўрсатиш

Туризмда овқатланиш индустриясининг аҳамияти. Туризмда умумий овқатланиш корхоналарининг категориялари. Туризмда овқатланиш корхоналарининг ривожланиши.

Хорижий мамлакатлар туризмида овқатланиш тармоқларининг аҳамияти. Ресторан занжирларининг мамлакатлараро кенгайиш сабаблари.

Туризмда транспорт саёҳатининг туркумланиши. Транспорт саёҳатининг моҳияти ва белгилари. Транспорт саёҳатининг ташкил этилиши.

Туристларни сув ва темир йўллар орқали ташишнинг қулайлиги. Транспорт воситаларини баҳолаш меъёрлари. Халқаро транспортларни назорат этувчи ташкилотлар.

13-мавзу. Туристик фирмаларнинг маркетинг фаолиятлари ва бизнес режаси

Туризм маркетингининг таърифи. Туризмда маркетинг фаолиятларининг бошланиши. Туризм маркетингининг зарурлиги. Туризм маркетингининг хусусиятлари. Туризм маркетингида нарх сиёсати.

Туризмда бизнес-режа тушунчаси. Бизнес-режа тузишдаги асосий омиллар. Туристик хизматлар бозорини тадқиқ қилиш ва режалаштириш.

Туристик фирмаларнинг маркетинг режалари. Туристик фирмалар учун бизнес-режа тузишда менежерлар роли. Туристик фирмаларнинг маҳсулот етказиш каналлари.

14-мавзу. Туристик корхоналарни инвестициялаш ва лицензиялаш

Туризмда инвестиция лойиҳалари. Туризмда инвестиция манбалари ва имкониятлари.

Туризмни молиялаштириш манбалари. Туризмда инвестиция лойиҳаларининг самарадорлиги. Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш тизими.

Лицензиялаш усуллари. Туризмда лицензия олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар ва уларнинг мазмуни.

Туристик корхоналарга лицензия бериш тартиблари. Туристик фирмаларнинг лицензияга амал қилиш шартлари. Туристик фирмаларни лицензиядан маҳрум қилиш.

15-мавзу. Туристик корхоналарни суғурталаш

Туризмда суғурта тушунчаси. Туризмда суғурта қилишнинг асосий омиллари. Ўзбекистон туризмида суғурталашнинг ҳуқуқий-норматив усуллари.

Ўзбекистон туризмида суғурта ташкилотларининг роли. Туристларни суғурта қилиш сабаблари ва суғурта тўловлари.

16-мавзу. Туризмда шартнома муносабатлари

Туристик шартнома муносабатларининг ҳуқуқий-норматив усуллари. Туристик ташкилотларда шартнома қоидалари.

Хорижий туристик компаниялар билан шартнома тузиш хусусиятлари. Туристтик ташкилотлар ва турист ўртасида ўзаро муносабатлар.

Туристтик шартномаларда интеллектуал маҳсулотларнинг турлари. Давлатлар ўртасида туристик шартнома тузишнинг иқтисодий аҳамияти.

17-мавзу. Туристтик корхоналарни солиққа тортиш

Туризмда солиқ сиёсати. Туристтик ташкилотлардан солиқ олиш нормативлари. Ўзбекистонда туристик ташкилотларни солиққа тортиш тартиби.

Туристтик ташкилотларнинг солиқ тизими тўловларидаги имтиёзлари. Туристтик қўшма корхоналарда солиқ тўловлари турлари.

18-мавзу. Зиёрат туризмни режалаштириш

Зиёрат туризмнинг асослари ва унинг моҳияти. Зиёрат туризмнинг ривожланиши ва унинг илмий-услубий жиҳатлари.

Зиёрат туризмнинг асосий омиллари. Зиёрат туризмнинг хусусиятлари. Ўзбекистонда зиёрат туризмни ривожлантиришнинг тенденциялари ва истикболлари.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. /Янги таҳрир. - Т.: Ўзбекистон, 2020. - 46 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т. 22. – Т.: Адолат, 2019. 131-140 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” фармони.
4. “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. // - Тошкент, 2018 йил 3 февраль.
5. “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги 100-сонли фармони.
6. Ш. Мирзиёев. Янги Ўзбекистон Стратегияси. – Т.: Ўзбекистон, 2021. – 465 бет.
7. Ш. Сайфутдинов. Туризмда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2021. – 221 бет.
8. Алиева М.Т. Туризмда атроф-муҳит бошқаруви. Дарслик. – Т.: Иқтисодиёт, 2021. - 299 бет.
9. Козерев В.М. Зорин И.В., Сурин А.И. Менеджмент туризма. Учебник (Серия Менеджмент туризма), (ГРИФ). 2016. - 320 стр.
10. Багумгарян Л.В. Управление качеством в туризме. Учебное пособие. - М.: КНОРУС, 2016. – 286 стр.
11. Грачева О.Ю. Организация туристического бизнеса: технология создания турпродукта. Учебное пособие. - М.: Дашков и К, 2017. – 276 стр.
12. Дмитриев. М.Н. Экономика туристского рынка. Учебник. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2016. – 311стр.
13. Зайцева Н.А. Менеджмент в сервисе и туризме. Учебное пособие. -М.: ФОРУМ, 2016. – 368 стр.
14. Алиева М.Т. Туризм асослари. Дарслик. – Т.: Иқтисодиёт, 2021. - 297 бет.

15. Биржаков М.Б. Введение в туризм. – СПб.: Издательский Торговый Дом «Герда», 2014. - 444 с.
16. Борисов Ю.Н. Маркетинг в туризме. - М.: Финансы и статистика, 2016. – 218 с.
17. Бутуров И.Н. Маркетинг и менеджмент иностранного туризма. - М.: Финансы и статистика. 2013. - 107 с.
18. Голубков Е.П. Маркетинговые исследования: теория, методология, практика. – М.: Финпресс, 2013. – 288 с.
19. Гостиничный и туристический бизнес. //А.Д. Чудновский. – М.: Эксмо, 2014. – 550 с.
20. Кабушкин Н. И. Менеджмент туризма. – М.: Новое знание, 2015. - 644 с.
21. Alieva M.T. Assessment of the development potential of the tourism industry in Uzbekistan.// Journal of Management Value & Ethics Jan.-March 19, Vol.9 No.1, India ISSN-2249-9512.
22. Norchaev Asatullo. Changes and Opportunities at Tourism Infrastructure //Asian journal of Technology & Management Research, Volume: 9 Issue: 01, 2019, India, ISSN-2249-0892.

Қўшимча адабиётлар

23. Куликов Е.В. Основы международного туризма: Учебное пособие. - М.: Гардарики, 2013. – 160 с.
24. Дроздов А.В. Основы экологического туризма: Учебное пособие. - М.: Гардарики, 2013. – 271 с.
25. Сафаева С., Умирова Д. Ресторан иши. Дарслик. – Т.: Иқтисодиёт, 2021. – 303 б.
26. Гуляев Б.Г. Организация туристской деятельности. – М., 2015.
27. Биржаков М.Б. Введение в туризм. – СПб.: Издательский Торговый Дом «Герда», 2015. – 444 с.
28. Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма. – М.: Новое знание, 2015. – 644 с.
29. Папирян Г.А. Экономика туризма. – М.: Экономика, 2015. – 284 с.
30. Абидова Д., Жўраева Н. Региональные туристические ресурсы. Учебное пособие. – Т.: Иқтисодиёт, 2021. – 228 б.

31. Очилова Х. Формирование туристической инфраструктуры в свободных экономических зонах Республики Узбекистан. Журнал “Бизнес Эксперт” № 6, 2014 г стр. 65-68.

32. Safaeva S. Improving the organizational, economic and institutional mechanisms of managing the sphere of tourism in Uzbekistan.// International Scientific Journal Theoretical & Applied Science 03 (71) 2019. 545-551 p. USA.

33. Kotler P., Bowen J. Makens J. Marketing For Hospitality & Tourism Pearson International Edition 2014, USA

34. Ashim Gupta. Travel Agency and Tour Operations: Concepts and Principles Publisher: Centrum Press 2012, New Delhi, India.

Интернет сайтлари

1. www.world-tourism.org
2. www.uzbektourism.uz
3. www.stat.uz
4. www.uzdaily.uz
5. [_www/cont.org](http://www/cont.org).
6. <http://cbu.st.uz/uz/press>
7. www.interunion.ru
8. www.tag-group.com
9. www.e-tours.ru
10. www.travel-library.com

